



КИШЛОҚ ЖАЁТИ

2000 йил
9 январь —
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
сайлови куни

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 28 ДЕКАБР, СЕШАНБА, № 98 (6.054). Сотувда эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Фидокорлар миллий-демократик партиясида номзоди кўрсатилган Ислон Каримов 25 декабр куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясининг раиси Отабек Раҳимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Сурхондарё вилоят соҳадаги қўшма бўшқармаси бошлиғи Қувондиқ Мадартов учрашув қатнашчиларини Ислон Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловда дастури билан таништирди. Ишончли вакил ўз сўзида Сурхон ахли Ватанимизнинг истиқлолга эришиши, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, бунёдкорлик ишларини, барча соҳада амалга оширилаётган туб ислохотларни Ислон Каримов юрифтаётган изчил сиёсат натижаси деб билишини таъкидлади.

Ислон Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз мустақиллик йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу янгиланиш замонавий лойиҳалар ва миллий меъморлик услубида қурилган кўпқаб маданий-маиший бинолар, мактаблар, боғчалар, янги турак-жой бинолари, саннат корхоналари, гузарлар мисолида намойён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, яқинда халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган «Алломиш» достонининг минг йиллиги халқорамиксда кенг нишонлангани, шу кўтлуг сана шарофати билан мухташам «Алломиш» ёдгорлик мажмуи барпо этилгани маънавий ҳаётимиздаги энг унгуллимас воқеалардан бири бўлди.

Сурхондарё вилояти мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишга хос салоҳиятга эга, деди Ислон Каримов. Гарчи бу ерда деҳқончилик етакчи соҳа ҳисобланса-да, саннат ҳам ривож топиб бораётгани эътиборга моликдир. Вилоятда жорий йилда қарийб 30 миллиард сўмлик саннат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Бунда нодавлат секторининг улуши 92 фоизни ташкил қилгани саннатда бозор муносабатлари тобора мустақам қарор топаётганини кўрсатади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги куннинг энг устувор ва долзарб вазифаси — ислохотларимизнинг самарасини ошириш, авваламбор, халқимизнинг, одамларимизнинг ишлариға интилиш ва рағбат йўғотиш, тадбиркорлик ҳаракати йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш билан узвий боғлиқ.

Вилоят кишлоқ хўжалиқларидаги мавхуд имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш учун ҳозирги вақтда зарар қўриб ишлаётган давлат ва жамоа хўжалиқлари ўрнида мулкчиликнинг янги турлари — ширкат, фермер, деҳқон хўжалиқлари пайдо бўлмоқда, оила пудрати кенг қўлдамда жорий этилмоқда.

Кайсики вилоятда, туман ва жамоада ер ҳақиқий эгасини топса — деди Ислон Каримов, — мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарса, деҳқон хайрихоҳлик, қўллаб-қувватлашни сезса, ўша ерда юксак иқтисодий самараларга эришиш мумкин.

Бизнинг юрифтаётган сиёсатимиз, амалга ошираётган ислохотларимиз, нимаки иш қилаётган бўлса, ҳамма-ҳаммаси одамларимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган, деб таъкидлади йўлбошчимиз.

Президентликка номзод билан учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Абрай Мусурмонқулов, жарқўғонлик ўқитувчи Ойнаҳол Муҳаммадиева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, бойсунлик Шоберди Бахши Болтаев Ислон Каримовнинг юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни мустақамлашдаги улкан хизматлари, халқ бахт-саодати йўлидаги фидойилигини таъкидлаб, барча сурхондарёликларни 2000 йил 9 январда унинг номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Чори ТҲХТАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 27 декабр куни Оқсарой қароғоҳида Давлатларо авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина ҳамда Россиянинг С. Ильяшин номидаги бирлашган конструкторлик бюроси бош конструктори Генрих Новожиловни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари бу кун икки томон учун ҳам ажойиб сана эканини таъкидлади. Зеро, айна шу кун «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»га Давлатларо авиация қўмитаси томонидан ИЛ-114-100 русумли самолётнинг сертификати топширилди.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳужжат дунёнинг етакчи авиасозлари томонидан тўла эътироф этилган. Ўзбекистон, Россия, АҚШ ва Канада ҳамкорлигида яратилган бу ҳаво кемаси улкан лойи-

ҳа асосида жуда қисқа муддатда амалга оширилган машаққатли меҳнатнинг самарасидир. Бунда Халқро авиация қўмитасининг хизмати ҳам катта бўлди. Замонавий авиация техникасини ривожлантириш, авиасозларнинг халқро ҳамкорлигини кенгайтириш ва шу орқали халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустақамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун қўмита раиси Т. Анодина мамлакатимизнинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган эди. Давлатимиз раҳбари унга мазкур ордени топширди.

Т. Анодина қўллаб-қўллаш билан халқро муқофотлар билан тақдирланган. Халқро авиация қўмитаси ҳам унинг ташаббуси билан 1991 йили тақдирланган. Т. Анодина — фан доктори, профессор, авиация генерали.

Учрашувда Т. Анодина Ўзбекистон билан ҳамкорлик

самарали кечаётгани, «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» бутун дунёга машҳур эканлигини ва замонавий технология давлатимизнинг даражасини белгилашни таъкидлади.

Учрашувнинг яна бир иштирокчиси — Г. Новожилов Ўзбекистон авиация санноти ривожига меҳнати кўп сингган конструктордир. Президент Ислон Каримов унинг илмий-амалий фаолиятига юқори баҳо берди. Меҳмонлар самимий сўзлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, ИЛ-114-100 самолётининг синови Тошкентда ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА).

ЖУМАДАН
СЕШАНБАГАЧА

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши аъзолари республика Президенти Ислон Каримовга мактуб йўлладилар. Унда Ўзбекистон Вазиран Маҳкамасининг Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори муносабати билан мамлакатимиз раҳбариятига миннатдорлик изҳор этилган.

• Вазиран Маҳкамасида келгуси умумхалқ Наврўз байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

• «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг Пленуми бўлди. Унда 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», деб эълон қилиниши муносабати билан ушбу ташкилот олдига турган вазифалар муҳокама этилди.

• Перу Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси ва Перу Республикаси ўртасида БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлиши ҳақида кўшма коммюнике имзоланди.

• «Ўзэкспомарказ»да мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг Янги йил муносабати билан кўргазмаси очилди.

• Теурирлар тарихи давлат музейида Теурир ва Теурирлар даври тарихи ҳамда маданиятини ўрганишга бағишланган учинчи аъёнаний илмий анжумани бўлди.

• Халқ таълими вазириликда «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик танлови аяқланди. Тошкент шаҳридаги 9-ўрта мактаб ана шу номини олди.

• Жаҳон тиллари университетини халқро журналистика факультетини Янги йил кечаси нишонланди.

«БИЗ — ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРЗАНДАРИМИЗ»

Самарқанд Давлат университетининг шу йил ўқишга қабул қилинган йигит-қизларга талабалик гувоҳномасини топшириш маросими бўлиб ўтди. «Биз — Ислон Каримов фарзандларимиз» шiori остида ўтган бу тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, меҳмонлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган барча бунёдкорлик ишлари, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилгани, ёшларнинг билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани, 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилингани Бевоиста Президентимиз номи билан боғлиқ эканини таъкидладилар. Ўзларининг она-Ватанга, Президентимизга чеқсиз содиқликларини

изҳор этдилар. Барча ёш сайловчиларини 2000 йил 9 январда бўладиган сайловда Ислон Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

ЧИН ДИЛДАН

Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ислон Абдуғаневич Каримов номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўйилиши айна дилимиздаги иш бўлди.

Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб мустақилликка эришиши, ўтган 8 йил ичида хур ва озад дивергенция амалга оширилган курйилишлар, маънавий-маърифий соҳалардаги улук ҳаракатлар, ҳеч шубҳасиз, Ислон Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. Йўлбошчимиздаги бағри кенглик, очик қўнгиллик, самимият, мардлик ва фидойилик хислатлари ҳар бир инсон учун ибрат бўларли фазилатлардир.

Мен Ислон Каримов номзодини чин дилдан қўллаб-қувватлайман. Доно ва тиниб-

тинчимас йўлбошчимиз хали мамлакатимизнинг равнақи ва буюк келажаги учун қўп ва ҳуб улук ишлар қилишига ишонман!

БАХРОМ МИРЗАРАҲИМОВ

«Ўздонмахсулот» корпорацияси аълоҳиси

ХАЛҚ БАХТИДАН БАХТЛИМАН

Ўттиз олти йил кишлоқ хўжалигининг турли жаҳаларида ишлаб, пенсияга чиққанга ҳам олти йил бўлди. Бугун Ислон Абдуғаневичнинг мамлакат Президентлигига яна номзод қилиб кўрсатилишини халқимизнинг сиёсий онг ва шуури юқори даражада камол тоғгани самараси деб тушушман.

Келинг, республикамиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кун ва ойлари бир эслайлик. Ўшанда Москваник ку қўйлик, атрофинидаги ва юртимиздаги кўпгина «башоратчи»лар «Ўзбекистон мустақил давлат сифатида яшай олмайди, яшаса-да, узюққа бормайди», — деб жар солишганди.

Йук, улар айтганча бўлмади. Республикаимиз ўзининг доно раҳномаси бошчилигида аввал тетапов, сунг дадил одимлар ота бошладилар. Шу пайтда яна бир гуруҳ қўштирокчи ичидаги юртпарвар ва инсонпарвар шахслар турли талаб ва истақларни олға сура бошладилар. Улар ҳатто, Олий Кенгашимиз сессияси иштирокчиларини йўлдан уришга интилишчада бордилар.

РИЗАЛИ ЕЎҚУБОВ,

Мирзаўул туманида яшовчи меҳнат фахрийси.

ИҶОДКОРЛАР ДАВВАТИ

Ўзбекистон Бадий Академиясида мамлакат Президентлиги сайловида Ислон Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Бадий академия раиси Т. Қўзиёев учрашувни очар экан, ушбу сайлов XXI аср бўсағасида халқимиз ҳаётидаги улкан воқеа бўлишини қайд этди. Юрт келажаги ва эл фаровонлигини таъминлаш, чинакам ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамятини барпо этиш, миллий ва умумбашарий қадриятларни қарор топтириш, маданият ва санъат



Истиқлол иншоотлари қад кўтармоқда... СУРАТДА: Қорақалпоғистоннинг «Қирққиз» кўчма механизациялашган жамламаси аъзолари.

лом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Бадий академия раиси Т. Қўзиёев учрашувни очар экан, ушбу сайлов XXI аср бўсағасида халқимиз ҳаётидаги улкан воқеа бўлишини қайд этди. Юрт келажаги ва эл фаровонлигини таъминлаш, чинакам ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамятини барпо этиш, миллий ва умумбашарий қадриятларни қарор топтириш, маданият ва санъат

ни юксалтириш борасидаги барча ишлар Юртбошимиз номи билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар Йўлбошчимиз санъат ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратаётганини, шу мақсадда Ўзбекистон Бадий Академияси, унинг ҳузурида эса Камолитдин Бехзод номидаги миллий расомлик ва дизайн институти ташкил этилганлигини, расомлар ва ҳайкалтарошлар,

халқ хўнармандлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам шахсий кўргазмаларини намойиш қилиш имконига эга бўлганлигини фойдалан тилга олдилар.

Учрашув қатнашчилари мамлакатимиздаги барча санъат аҳлини 2000 йил 9 январда бўлажак Президент сайловида Ислон Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

(ЎЗА).

САМИМИЯТ

Бошқаларни билмадим-у каминда бир одат бор. Нимагадир давлат раҳбарларининг жойларга борганда юриш-туриши, ўзини туттиши, одамлар билан муомила-муносабатини синчиқлаб кузатаман. Нега шунақалигини ўзим ҳам билмайман.

Йўлбошчимиз Ислон Каримовнинг хорижий давлатларга ташрифларидан тортиб, мамлакатимизнинг турли вилоятларига гоҳ хизмат сафари, гоҳ турли тантаналар муносабати билан борганлари... Одамлар билан қўришиб сўрашишлари, гурунглари, сўхбатлари, ҳазил-мутойибалари... Ҳамма-ҳаммаси ёдимда. Ҳаёлим кўзгусида қўриб тураман. Эсла-сам, ҳар гал бир бадийнинг асар оламан.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Ислон акада, у кишининг нурли чехрасида бошқа давлат раҳбарларида қўриб, кузатмаганим бир ажиб самимият бор. Бу самимият ҳар доим йўлбошчимизга ярашиб туради.

Едингиздадир? Ўтган йилнинг авжи кузида Самарқандда буюк муҳаддис олим Имом Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллик, Фарғонада эса Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Ҳар икки улук аждодимизга ўрнатилган бири-биридан гузал ва бетакрор ёдгорликлар мажмуи ҳам Президентимизнинг ташаббуслари ва тақлифлари асосида гоят қисқа муддатда қўриб битказилган эди.

Ушанда Фарғонадаги тўй тантаналарини қўриб ўтириб, вужуд-вужудимни ёқимли бир ҳаяжон қамраб олганди. Йўлбошчимизнинг қувалик нуроний отахонлар билан бир-бир кўл бериб сўрашишлари, лутфлари, ҳазил-мутойибалари... Икки орадаги самимият, меҳр-муҳаббат...

«Соғ бўлинг, дунё тургунча туринг!» дейишди ўшанда отахонлар Йўлбошчимиз қўлларини қисиб, «Тани-жонларинг соғ бўлсин, албатта Сизлар ҳам ўзга кириглар, агар шундай қилмасанглар мен хафа бўламан» дедилар давлатимиз раҳбари ҳам.

«Фарғонага келсангиз хурсандчилик бўлади, — деди (Давоми 2-бетда)

КИШЛОВ

«Оҳангарон» ширкат жамоасининг раиси Шунқор Умироқов билан сўхбатлашатиб беихтиёр мавзумимиз чорва кишловига, аникроги чорвадорга, уларнинг машаққатли меҳнатларига бориб тақалди.

ҚОРАБОШСОЙ БАҲОДИРИ

Йўловда қишлайди. Қўриб ҳар сафар кишловдан беталофат чиқади. Аслида ўша йўловга сизни олиб борсам бўларкан. Мен бу яйловни яхши биламан. Бу ерда ишлаётган, ўнлаб йиллардан бери Қорабосойда қўй боқайтган Собир Пулатов, Ашур Аскарлов ва бошқалар турғисида жуда кўп ёзганман. Раисга шуларни айтдим.

— Йук, сиз ҳаммасини танимайсиз, — эътироз билдирди раис. — Айнақса Турғунали Турдибоев деганимиз бор. Ўттиз бир йилдан бери шу ерда молларини қишлатади. Езда эса Янгибод томонларга сурувни ҳайдаб кетади. Шу одам билан сизни учраштиришимиз?

— Сизнинг ишларингиз (Давоми 2-бетда)

ЕР ВА АЁЛ

Машҳур пахтакор Обида ҲАМРОЕВА ҳузурини



Шундай қаҳрамонлар учрайдики, улар маълум бир вақт — даврда шон-шухрат қозониб, газета-журналлар саҳифасидан тўшайди, ҳатто, улар ҳақида китоблар ёзилади, фильмлар яратилади. Аммо, ҳаёт деб аталмиш улкан уммоннинг ўз қонунилари, тизгинисиз, асов галабелари борки, охири-охирида ҳаммамиз вақтининг ҳукмига бўйсунамиз. Чунки вақт кўтмайди, ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Ҳар бир кун, ҳар йилнинг ўз қаҳрамонлари тугилади, янги

(Давоми 2-бетда)

АКС-САДО

Газетанингу шу йил 17 декабр сониди «Деҳқон кўрган зарарни ким қоплайди?» сарлавҳали мақола эълон қилинган.

Мақолада жуда муҳим ва долзарб муаммо кўтарилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин Президентимиз ва ҳукуватимиз мамлакатимизни галла

ДЕҲҚОНГА ЭНГ ЯКИН ҲАМКОРМИЗ

мустақиллигига эриштиришдек юксак мақсадни қўйиб, бу шарофли вазифани амалга оширишни бизнинг тармоқ ва турдош соҳалар меҳнаткашлари зиммасига юклагилар. Тармоғимиз ишчи-хизматчилари бу йўлдан оғишмай бориб, кишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари этиштирган галла ҳосилсини давлат захираларига ўз

(Давоми 2-бетда)

ШҮРЧИЛИК ХУРРАМ БОБО

У кўпроқ ҳозирги ишлардан гапиради

Шўрчида Ободон кишлови бор. Шу кишловда Хуррамбобо деган пиру бадавлат бир отахон умргуздорлик қилади. Отани кекса ҳам, ёш ҳам Тошмиров бобо дейишади. Шунга ўрганишган. Мабода исминини айтсангиз билишмайди. Фамилиясини айтинг дейишади. Айтасиз. Ҳа, ўзимизнинг Тошмиров бобомини, фахрийлар кенгашининг раиси. Ҳозир унинг идораси «Нуроний» жамғармаси дейилади.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

— Бобо саксонга ақинлашсам, ишлаяпти, — дейди яна бирови. — Қайси-дир бир хўжаликда планни муттақид бажармай келадиган бир қоқок бригадани олган эди. Шўрчида биринчи бўлиб бажарди. Шарғонаме режаси 120 фоиздан ошиб кетди-ёв. Асли деҳқон-да у...

Эслайман, Жарқўғондаги дондор «Сурхон» давлат хўжалигига ўзақ йиллар раҳбарлик қилган шу Хуррам Тошмиров эмасиди? Нафакат Сурхондарёда, балки бутун республикада энг йирик хисоблаган бу хўжаликда пахтадан муттасил юқори ҳосил олиб келгани учун ҳам унинг раҳбари Хуррам Тошмировни танимайдиган одам топилмасди. Пахтанинг янги навлари

даставвал ана шу хўжаликда синаларди. Тажрибадан ўтказилиб, воқанин бошқа жойларда экиларди. 1964 йилда Хуррам Тошмировни ҳозирги Музрәбод туманига ишга тақлиб қилишади. Чўлда янгидан тузилган давлат хўжалиқларининг бирига раҳбар этиб тайинлашди. Тез орада хўжалик қаддини ростлаб олади.

Биламиз, ишлаган одам ҳаминча мақсадиға эришади, хурмати ошади. Хуррам Тошмировнинг Шўрчи тумани ижрокўм раислигига сайланиши ҳам унинг халол меҳнат қилиши эвазига орттирган хурмати эди. Қолаверса, асл меҳнаткашлигини амалда раҳбарларга тан олдиригани эди...

Хуррам Тошмировнинг 3 ўғли ва 2 қизи бор. Икки ўғли Нормўмин ва Дамин Тошмировлар «Полвонтош» ҳамда «Ободон» хўжалиқларида бошқарув раислари бўлиб ишлашади. Бир қуёви эса Шерободдаги жамоа хўжалиқларидан бирида бошқарув раиси. Бобонинг неваро-ю чеваралари биёв, Ўзи анча тетик, бақувват, Қарилхони сира буйинига олгиси йук, Юришлари олдингидек (Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

ЯНГИ АСР ПАРЛАМЕНТИ

«БАРИБИР МУҲБИР БҮЛАРДИМ»

(Боши 1-бетда)

бир нуруний отахон Президентимизга қарата: — Мана жуда кўп қурилиш бўлапти. Қанд заводиди ошига келганингизда, лентани киркишда «юзга қиринглар, тўй қилинглар, ана ўша тўйга мени ҳам айтинглар» деган эдингиз. Мана ўша тўй ўзбекистонимизнинг, бизнинг Қувани ободонлаштиришга жуда катта хизмат қилгансиз. Илоҳо бир юз эллика қиринг!»

САММИЯТ

Тўхтаназар ота келяптилар. Тўхтаназар ота боғ қўшим, боғбон. Кўп ҳалол, покиза одам. Ушун йили у киши Самарқанднинг Челагига икки бора бориб келди. Биринчи боранларда, имом Бухорийнинг тўйига тайёргарликчи қуриб, маърака-мажлисларда у ердаги оламжаҳон қурилишлар таърифни гапириб юрдилар. Отахон иккинчи бор Самарқандга атайин юбилей тантаналарида катнашиб, Президентимизнинг яқиндан қўриш учун бордилар.

лан Фарғонага ташрифлари... Ушлар Фарғона сафарига йўлбошимчи чегарачи йигитларимиздан икки нафари билан сўхбатлашдилар. — Хизматдан кейин ким бўлмоқчисан? — дея сўрадилар аскар йигитларимизнинг бириндан. — Чегара қисмларида хизматни давом эттирмоқчиман, — дея жавоб берди аскар. — Чегарачилик анча хавфли хизмат-ку, қўрқмайсанми? — сўрадилар яна. — Йўқ, — дея жавоб берди бунга жавобан аскар йигити.

(Боши 1-бетда)

номлар билади... Бир пайтлар (бундан 20 йил олдин) ўз тиричилиги, ерга — деҳқончиликка, меҳнатга сарфати билан танганин, республикамнинг номдор пахтакорлари орасида ўз иштироки билан қатнашган Обида Ҳамроевага ўқибди аёллар ҳаммагити! Биз, мухбирлар улар ҳақида нимадир деб ёзмадик! Бугун-ку Бугун рўқнак қўйиб, тирадор қўйилган, ўша — биз ёзган машҳурлар пахта, макка эккан, терган, ўрган ёки оғир тракторларни бошқарган, аммо биз таърифларимиздек — бахтга эмас, аксинча — меҳнатга қўришган опаларимизга осон бўлмаган. Биз уларнинг гузал, оқилга ўй басма деб эмас, тўнабал пахта терган, трактор минади, кишин-ёзин дасласини ўйнадики... яна ўша таърифлар тиракб ёздиқ. Уларнинг кўп ишларини ўнатиб, эркакдек, эркакдан ошириб ишлашга қўниқшига биз ҳам «улуш» қўшганимиз... Бугун уларнинг саноқлигини яшавати. Ушундан ер ҳайданган, уруғ эккан, ҳосил йиғиштирган — катта-катта ҳўжаликларни бошқарган аёлларни тушунишда кура кўроқ тарихиётига шошиганимиз, излаб толганимиз. Энди уйлашамиз, аёлларимиз шон-шўҳрат учун эмас, асарини қишлоқ аёлларининг оруз-умидлари далада кўз очиб, далада ўсганлиги ҳам улар ўзларини ерга, пахтага бағишлаганлар. Заминга биринчи бўлиб уруғ қаданган — Бободилгон эркаклар қабаотида туриб, ёзақ ушун қўшган, зўла бағишлаган аёллар ҳақида ҳаммаиз ёздиқ, ёзласак арзийди.

қақу ноҳак, рост-ёлғонни тез ахратиб кели, шунинг учун ҳам кўнгликни унга эртарош, ўнча-бўнча оғолик, қўйинчилик писанд эмас эди. Кўплашиб, аҳдлашиб ишлаганига нима етсин. — Ҳўжалигимизнинг аввалги номларига эътибор берганимиз? — дея тарихни эслатиб Обида она. — Ленин, Сталин, Жданов, Ворошилов, «Доий»ларнинг ўзлари келмас-да, номлари бораомишга ҳўқорлик қилар, бизга ўқшаган — меҳнатдан боққан билмаган, ўйланмаган оддий халқ эрта-кеч залворли бўлиб — ном остида ишлаган. Ҳа, узоқ ишлаганимиз, Базан рабатимиз ёки сибасат учунми қилмадик муқотланлар, дегапти, делегат бўлиб — шунга ўқшаб мисоллар биз аёлларнинг ҳам тақдирда бор эди.

Ортиқали НОМЗОВ

ҚОРАБОШСОЙ БАҲОДИРИ

(Боши 1-бетда)

кўп, — дедим раисга, — яхшиши ўзим борганимиз мазҳул. Иккинчидан чўпонлар раҳбарларининг олдига бироз йманандилар ҳам. Яхшиши ўзим бораколаман. — Иштиёригиз, — деди раис ва ферма мудирини менга қўшиб берди. Йўлга чиқдик. Қорабошсой яёловлари... Мен бу ерларга жуда кўп келганман. Икки томони улкан тоғ, ўртасида ҳайқириб сой оқади. Сой бўйларида қўш-ёзин ўт-ўланлар бўлади. Ниҳоят Турғуналининг ўтовига бораман. Салом-алиқдан сўнг Турғунали бизни ўтовга тақлиф қилди. Аммо кечани бағиш ўтган қордан кейин яёловларнинг ранг билан товланиб, киши завқини келтиради. Утовдан икки ўз метрча баландликда бир йиғит кўй боқайтир. Турғунали билан йўлни ўша турғунали содлик. Кўйларнинг олди тўл ташламоқда. Қизик, декабрда ҳам совлиқлар тўллайдими? Ҳайрон бўлиб Турғуналига қарайман.

камаб, ҳафа бўлиб, мана шу сой бўйида қотган нони еб ўтирса, бир қорачадан келган, дов қомат одам пайдо бўлибди. У чўпондан ахтаришни сўрабди. Чўпон қўйларининг нобуд бўлганини айтибди. Меҳмон эса «Илоҳим қўйларинг бут бўлсин!», деб фотиҳа қилиб, қўздан гоийиб йўлибди. Ордан ақт ўтиб чўпон кўрага кирса нобуд бўлган йиғирма бош қўйлар жойида турганмиш. Кейин билса унга учраган одам ҳазрати Заги бувами эканлар. Бир томони мана шу. Иккинчи томони, қаранг атрофи баланд тоғлар билан ўралган, совуқ шамол келмайди, сойдан чиққан иссиқ тафт натижада бу ерга унчалик кўп қор ёлғанди. Унчадан бу ерда иссиқ бўлиқлар кўп. Қар тошинг ости иссиқ бўлиқ. Бинобарин бу ерда муттасил ўт қўқариб туради. Маабод чўпон қишлоқ учун ема-қас жамғармас ва Қорабошсойда мол ўймайди, ҳар тошинг ёнида ўт-ўланлар бўлади. Шу сабабларга кура ҳар бир чўпон киша шу ерга оқибди. Сабабларини айтдим. — Эдага ҳам шу ерларда бўласизми? — сўрайман яна Турғуналидан. — Йўқ, ёзда бу ерда бўлсак, қишда емиш қўламиз. Бинобарин, у кўй билан кун қиш томони кўрсатиб, — Урамол, Қизлар учган, ундан наридаги яёловлар билан то Янгиобод шаҳрининг теғраларига борамиз. У ерларда ҳам ўт қалину, лекин шираси йўқ, қишга қолишга ярамайди. Шунинг учун албатта қишда бу ерга қайтиб қоламиз. Сабабларини айтдим. Биз Турғунали Турдубой ёзилган ўтов томон пастлайдик. Қўралар атрофида ўттиз-кўчк тенгадан эийб пичанлар гарамни ўқолган. Битта гарам бироз эскироқ туюлди менга. — Буниси бултурги йилдан қолган ҳашак, дейди Турғунали. Иккисид қилиб қолганми. Қишинг қандай келишини Оллоҳдан бўлак ҳеч ким билмайди, эсингиздами? Қўрсон биринчи йили май ойида ҳам ерга бир элак бўйи қор тушган. Ана шундай паллада асқотлади бундай пичанлар. Қўшилари-мида ҳам шунақа истисод қилинган пичанлар бор. Маълум бўлишича, Турғунали Турдубойнинг болаларидан бир нечаси ҳам ҳозир мустақил равишда бош чўпонлик қилишар экан. М. ҚАЮМОВ



ГУРУЧГА БЎЛГАН ТАЛАБ ҚОНДИРИЛАДИ,

— дейишди республика шолкорларининг семинар-кенгаши қатнашчилари

Маълумки, шולי етиштиришинг қишлоқ ҳўжалигида аҳамияти катта. Уни шўрлаган майдонларнинг мелиоратив холатини яхшиловчи ўсимлик сифатида ҳам экиш мумкин. Шולי узоқ вақт сув остида бўлиши натижада шўр ерларнинг тузи қовийиб, бошқа экинларни экиш имконияти вуқудга келди. Шунингдек, узоқ вақт шולי экилган майдонларда гуазадан энг хавфли касаллик — виит йўқолади. Шу билан бирга гуруч инсон организмда тез ҳам бўлиши, таркиби оқсил, фосфорли бирикмалар ва витаминларга бойлиги билан ҳам ақралий туради. Ундан турли тасма-лар тайёрлаш мумкин. Бинобарин, халқимизнинг гуручга бўлган талаби ошиб бормоқда. Бу республикамиз шолкорларининг олдига турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада соҳа деҳқонлари ўз имкониятлари-дан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Жорий йилда шолкорлар етиштирилаган ҳосилини 500 миң тоннага етказиш, унинг 300 миң тоннасини давлатга топширишни режалаштиришган эди. Лекин йил якунида бу кўрсаткич 363,4 миң тоннани ташкил қилди. Давлат қабул пунктларида 266 миң тонна шולי топширилди. Режа 88,7 фоиз бўлди. Шунга қарамадан 41 миң тонна кўп ҳосил етиштирилди. Аини пайтда республикамиз шолчилигидаги ўртача ҳосил-

Хўш, шундай экан, нега бизда бунга эришилмапти? Унга нимадир тўқинлик қилмоқда? Ахвол атрофида таҳлил қилин-гач, бир неча сабаблар аниқланди. Шолнинг муддатидан кеч экилиши ва уруқлини ерга қалди, уни парварши қилиш даврида минерал ўғитларнинг етишмаслиги, шунингдек, гербицидларнинг кам бўлиши, натижада бегона ўтларнинг қўлайиб кетиши, уруғлик сифатининг пастлиги ва алмашлаб экиш тизимида риоқ қилинмаслигини шўлар жўмласига қиритиш мумкин. Ҳўқиматимиз шолчиликни ривожига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Келгуси йилдан бошлаб экин майдонлари ҳақида яна 30 миң гектарга қангайитирилади. Олимларимиз томонидан яратилган эртапишар, серҳосил навларни қўроқ майдонларга экиш мўлжалланмоқда. Агар ҳар бир гектар майдондан 45-50 центнердан ҳосил олинса халқимизнинг гуручга бўлган талабини қондириш мумкин. Яқинда Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институтида «Республикада шолчиликни ривожлантиришинг агро-техник асослари» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари тармоқдаги аҳолини таҳлил қилиш, соҳани ривожлантириш бўйича алоҳида таҳлилларни ло-зим бўлган ишларни белгилаб олдилар. Шунингдек, мавзуб муаммоларни муҳофиза қилинди. Анқумани республика Бош вазирининг уринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Бахтиёр Олимжонов олиб борди.

Ҳосил ҚАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Суратларда: семинар-кенгашдан лавжалар.



Ер Ва Аёл

мен бугун ёлғон айтсам, ёлғонга қўнмасан, ёлғонни рабатлангирсам кимга бойди-ю, кимга эий? Шунинг фарига бораган фуқаронинг ҳолига вуй. Бугун 30 гектар ерим, шунга яраша чорам, боғим бор экан, 35 тонна бўғдой олган эканман, булар ҳаммаси меники, ёлғон-микини. 35 тонна эмас, 50 тонна бўғдой олдим, деганим билан омбордаги дон бир мисқолга қўларямиди? Турги, ёлғон рабатлангирганин даврларни ҳам қўриқ, оқибатини ҳам билдириш-ку. Ҳўқ қишқ бир оила бошлиғи, ҳўқ давлат идорасида раҳбар бўлиб, азар, интиқом, ишангиз, қадимингиз рост қилишга тўшасиз, билгинги, ҳолингизга вуй! Илк эрга қадан ташлаган, ёлғон сўз айтган кундан бошлаб ирдий болайсиз. Обида оланнинг сўларини тинглаб бахтиёр ўйга толасан киши. Ҳаётинг, меҳнатинг, катта мақдди экинги-га яна бир икор бўласан. Уйловчи, мақсадли, ўз қарич, қадимига эга инсон ишлаган билан қарамас экан. Илгарилар «Меҳнатдан бахт толганлар» деб ёзар эди. Чиндан ҳам ўтаётган кунни, эртасини меҳнатсиз тасаввур қилмайдилар, фақат меҳнат билан тирик инсонлар ҳам бош экан. Муҳирлик шўмглиги тўлиб, оладан сўрайми?

— Опажон, турисини айтиб, Сиздек имкони тугал, тиричилиги бўлганга нима етишмайдими? Олтишдан ошган, бунинг устига фарзандлари қафида эхозгайлданганди шўр оланнинг ҳамон ер, сув, уруғлик, трактор, ўйит деб югуриши шартми? — Урғилсон опанг, урғилсон опанг! — дея Обида она қулади. Унинг кўлуси-да гайратли. Ҳа, ишонваринг, гайратли кўлгун қамдан-кам қишларда қўрган-зиштангиз. — Ун беш ёшимдан бери далада ишлайман, шу кунгача турмушда, ҳаётда нимакини топган, эришган бўлсам — бирини ердан, меҳнатдан толдим. Ойлам, фарзандларимнинг шўрқосини, аввало, худода, сўнг ерга айтган айбман. Шўрқ, қўл-оёғим бут, эл орасида хали ҳам севимли Обидаман, ҳамон ҳўжалигимизнинг уятчан, аммо, ўт-олов, — ишни шомдан буроб бўлганларидан айларидек ўш қўлман ўзимни. Хали-ерлардан ажрамидек йўқ, уларга нафим тегишдан қувват оламан, роҳатланаман. Аслида-ку, невараларимнинг ўқиш-тарбияси, ҳам етиб ортади-ку, аммо, барибир, мен ўқитишга эмасман-да, ордан урғилсон, деҳқонман, илгари қолқози дейишарди-ку. Бу легони бир олдиқ кишида. Далага чиқсам, ерга қарасам тўйиб нафас олдидек бўламан, ташналиким қонди. Бунчалгини ерга ишлаган билмади, тушунадми... Меҳридонимнинг ўли Фурузжон Тошкент лицейларидан бирода ўқиди. Базан неварамни қўрига борам экан, аммо, Тошкентда ўқо қололмаган. Ташвишли, орузумиди дунё деб бекорга айтишмаган, меннинг ташвишим — иш... Обида оланнинг сўларини бўлишга, ортиқча раво-сўроққа юрғат қилмадик. Чўқ, бундай самимий, рост фурсат, гайратли, оқила, меҳрибон она — аёлнинг ҳузур-ида бўлиш албатта ҳаммаиз ҳам насиб қилавермайдими.

Ражаббой РАУПОВ, Бухоро.

ШҲРЧИЛИК ХУРРАМ БОБО

(Боши 1-бетда)

викорли. Сўзлари салобатли. Юриб чарчамайдиган, бағри кенг одам. Бунга бир кўргандайк сезасан киши. Булмас, саксон ёшли одам набираса Шерзод ўқиб кечаси бир маҳалда машина билан йўлга чиқармиди? Узув қаредна-ю, Шўрчи қаредна? Олиб борадиган одами угли қатори... — Набирсам, — дейди машина рулида ўтирган йигитга қўзланиб бобо, — ҳайда, болам, Аста ҳайда-гин... — Тико-га ишора қилиб айтди. — Яқинда олдиқ. Яхши машина экан. Миниб юрибмиз. Билсангиз нафақага «Бобот» ўрмон ҳўжалиги директорлигидан чиққан. Ҳозир ҳам раҳбарман. Бутун умирим раҳбарлик билан ўтати. Усмон Юсупов, Шароф Рашидовларнинг сўхбатига кўп бўлганман. Улар аҳойиб инсон эдилар. Дунё шунақа экан-да. Тўнғич фарзандим Нормўмин ўттиз ёшда совхоз директори бўлибди. Қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди. Нормўмин бамисоли ўзим. Меҳрибонлиги ҳам, қаттиққўлиги ҳам. Бир сўзлагини ўқшашлигини айтмайсанми? Даминдан ҳам қўнглим тўқ. Бир қизим чўлда, иккинчиси Шаҳ-исабодда. Шу тонда бобо о-йр ҳўрсинди. Эҳтимол ўтган йили бандликни бажо келтирган кампирини эсладимки? Қўлда рўмолчасини олиб юзюни артгандек бўлди. — Хуррам Тошморовнинг ёшлик йиллари урушга тўри келди. Урушга борди.

Уч йил жанг қилди. Уч марта яраланди. Сўнг қишлоқига қайтиб келди. Уқиди, ишлади. Еши эса ўқиб борарди. Бунга у даставвал катта ўғлини уйлаган чоғда, кейин...биринчи на-бири қурганида, набиралари кўнайиб, менинг бобом, деб талашганида, уларни иссиқ бағрига босганида тўйди. Айрим тенгқурларидан фарқли ўлароқ, бобо кўпроқ ҳозирги ишларидан сўзлайди: — Шаҳримизда нурунийлар чойхонасини очдик. Бир эмас, учта ошонамиз бор. Савдо дўкнларимиз гуриллаб ишлаб турибди. Булардан олаётган даромадимизни ўзимиз учун сарф-ҳаражат қиламиз. Икки йил бўлгачи, давлатдан пул олмаймиз. Ҳисоб рақамимизда ўз пулимиз бор. Утган йили савҳатга бордик. Термизу Бухорода бўлдик. Самарқандда Тошкентга бориб, буюқ а-ломаларни зйврат қилиб қайтдик. Афсоқси, сафимиз тўбора маърифат бормоқда. Ҳозир ҳисобимизда 230 га яқин қарам бор. Кўп ҳо-рир, ердამга муҳтоб. Шунинг учун уларга ўлимиздан келгунча қарашиб турибмиз. — Унзун гап билан бўлиб қандай етиб келганимизни сезмадик. Бобо билан қайларшаман. Узоқ ур, сикхат-саломатлик тилайман. Энг муҳими, Хуррам Тошморов билан тинганимдан, у билан ҳам-сўхбат бўлиб, мазмуни ха-қоясини тинглаганимдан хурсандман.

Мазмўржон БОТИРОВ

ДЕҲҚОНГА ЭНГ ЯҚИН ҲАМКОРМИЗ

(Боши 1-бетда)

вақтида қабул қилиш, уларнинг нес-нобуд қилмасдан сифатли сакланганини таъминлаш, қайта ишлаш ва халқимиз дастурхонига жажон андозалари талабларига жавоб берадиган ва нон маҳсулотлари етказиб бериш борасида ўтган йиллар давомида қўпгина ижобий натижаларга эришдилар. Галла етиштиришда фалла уруғчилигининг тўтган ўрнининг аҳамиятли эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, корхоналаримиз томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига уларнинг захматли меҳнатларини зое кетказмайдиган даражадаги бошоқли дон экинлари истиқболли навларини сифатли уруғлигини тайёрлаб бераётганлиги билан фалла мустақиллигига қўшаётган ҳиссалари янада салмоқлидир. Бу борада 2000 йилда ҳуку-матимиз томонидан бел-гиланган ҳажмларда фалла ҳосили ети-ти-ришни таъминлаш бўйича зиммаларга оқ-латилган вазифаларни ҳам ўз вақтида бажарди-лар. Жўмладан, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 1999 йил 17 августдаги 391-сонли «2000 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлашти-риш ва кузги экинни ўтқа-зишнинг ташкилий чора-тадбирлари, дон етишти-риш ва давлат ресурслари-га харид қилиш ҳажмла-ри тўғрисидаги» қарори талаблари асосида «Ўздонмаҳсулот» ДАК корхоналари томонидан 2000 йил фалла ҳоси-ли учун экишга Қорақалпоғистон Респуб-ликаси ва вилоятларнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига етарли миқдорда бошоқли дон экинлари уруғлиги тайёрлаб, етказиб берил-ди. Жорий йил ҳосилидан бошоқли дон экинлари уруғлиги тайёрлашга дон маҳсулотлари соҳасидаги мавжуд 20 уруғлик ишлаб чиқариш цехлари жалб қилинди. Уруғлик партиялари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларига «Ўздавурунэрозатмарказ» сифат сертификатлари би-рла таъминланган ҳолда ет-казиб берилди. Ишлаб чиқарилган уруғликларнинг 98 фоиз 1-синф талаблари-га жавоб бериши тўғрисида сертификатланди.

Албатта, қорюди таъ-қиданган натижаларга эришиш ўз-ўзидан қўлга қиритилгани йўқ. Бу соҳамиз мутахассислари-нинг тинимсиз изланиш-лари, бу соҳада дунё миқёсида ва ривожланган мамлакатларда эришилган натижаларни чуқур таҳлил қилиб, уларни мамлақати-ми шарафитларига мос ра-вишда тадқиқ қилишлари-нинг ва бу бора-да йўл қўйилган камчиликлар-нинг сабаблари-ни ўрганиб, уларни бартар-қиб қилиш борасида из-чилик билан амалга оширган тадбирларининг натижаасидир. Кейинги йилларда кор-хонамизда уруғлик тайёрлаб, уни истеъмолчи-ларга орттишдан олдин унинг сифат кўрсаткичларини комиссия-дан таҳлил қилиб, натижа-ларини ҳўжатлаштириш «Ўздавурунэрозатмарказ» ва Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини назор-ат қилиш Давлат инспек-циясининг вилоятлардаги бўлинмалари вакиллари-нинг иштирокида амалга оширилмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига уруғлик тўлиқ етказиб бе-рилганидан кейин эса уларнинг уруғлик сифати-га бўлган эътирозлари ўрганилмоқда.

АКС-САДО

Албатта, бу билан биз соҳамиз корхоналарини уруғчилик тайёрлаш фаолиятида камчиликлар йўқ демоқчи эмасмиз. Бу йўналишда қилинадиган ишларимиз ва камчилик-ларимиз кўп, жойларда-ги уюшма ва корхонала-римиз мавжуд нуқсон-ларини бартараф қилиш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбир-ларни изчилик билан амалга оширмоқдалар. Яна бир муҳим фикр-ни билдиришни истар эдим. Уруғликнинг дала шароитида унвчанлиги юқори ёки пастлиги са-бабини фақатгина дон маҳсулотлари корхонала-рига боғлаш тўғри эмас, албатта. Зеро уруғ — бу ҳали ишинг бошлани-ши. Бинобарин фалла уруғининг барча жойлар-да бир текис униб чиқishi ва касалликлар-га чалинмай бравҳх ҳи-вожланиши, юқори ҳосил бериши учун барча му-тасадди ташкилотлар, раҳбарлар, мутахассис-лар биргалликда жон қўйдирсақ мақсадга му-вофиқ бўлур эди. Биз-нинг тармоқ ходимлари эса бу борадаги муам-моларни ҳал этиш йўлида кўч-гайратларини асмайдилар.

А. ИШМЕТОВ, «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси раисининг ўринбосари.

Кўшни ўқитув-фанандар дурс бе-журналларда икти-ёки бирор бир ўқимшли мақоалар чикса, ўша газета ёки журнал сонини мендан сўраб турарди. Негадир кўйинги йилларда бу одати билан, мени безовта қилмай қўйди. Бир кун, уйда ҳўжалик юмушлари билан қуониб юр-сам, қўшин «қачириб қолди. Хол-ахвол сўрашга, тезда мудоаога ўтиб қўз қолди. — Бир-иккита газета беринг!» Қайси газета ва қачонги сонини зарурлигини сўрадим. — Фарқи йўқ, моҳорқа ўрашга яраса бўлди. Сигарет қим-мат. Ҳар кун бир қутисини олишни чўнтақ қўтармайд. Моҳорқа ҳам ёмон эмас. Аиникса газета қозоғига ўрал-ган таманининг қайфи бошқача бўлади-да! Ана ҳолос! Маҳалламизда унга яқин ўқитувчи бор. Яқин-да шулар билан бир даврада йиғилиб қолшига тўғри келди. Сўхбат турли мавзуларда нарх-наво, турли ру-сумдаги машиналар ва турмушдаги турли иқир-чиқилар ҳақида борди. «КАЙФИ БОШ ҚАЧА БЎЛАДИ» Сўз айланб газета ва журналлар ҳақида кетганда, «қайси бирингиз қайси нашрларга обуна бўлдингиз?» деб сўраб қолдим. Даврага оғир бир сўқнат чўқиди. Кейин ҳаммаси бирдана-га мўшларга рўздордан ортаётганлиги ва бошқа баҳона-ларни қалаштириб ташлашди. Ҳозиргина шу даврадагилар олган янги мебели, машинаси, тўйда қилган ҳаракатини оғиз қўйиштириб мақтаётганлар шулар эди-ку. Қишлоғимизда мингга яқин аҳоли яшайди. Алоқа бў-лимиде ишлайдиган танишим орқали суриштириб қўр-дим. Шу кунгача ҳамқишлоқларимдан бирортаси ҳам ҳеч қандай газета-журналларга обуна бўлмаган экан. Мен, айнан шу ўринда ўқитувчилар билан бўлиб ўтган воқеани тилга олганим учун улардан уэр сўрайман. Лекин, улардан бироз диллим оғринганлиги; қишлоқни маънавияти анча тўқис, маърифатли зйбдилари ўша-лар-ку? Агар улар ҳам газета ўқимаса, қишлоқнинг зйб-дилари, «қўзи очик»лари ким бўлади? Халқда «хамма олим бўлиб кетса, подани ким боқад», деган ибора бор. Қишлоқда ҳеч ким газета-журнал ўқимаса дунёдан ким бохабар бўлади? А. КАРИМ

Фикр, дунёқараш, билим инсонни юксакликка кўтарди. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим соҳасида ўтказилган ислохотлар ҳам ана шу гога қаратилган. Дароқе, ота-боболаримиз ҳам дунёга ана шу юксакликдан туриб нигоҳ ташлаганлар... Махсус муҳбиримиз Зафаробод туманида бугунги кунда бу борада олиб борилаётган ишлар қандай ташкил этилганлиги билан қизиқди. Туман халқ таълими бўлими mudiri Иззатулло ХОТАМОВ билан суҳбатлашди.

— Иззатулло ака, боланинг қалби оппоқ қорғоз каби бегубор бўлади. Унга нима ёзилса, муҳрланиб қолади. Уқитувчининг вазифаси бу қалбларга згуликка дахлдор илму маърифатни муҳрлашдир. Суҳбат-нимизни даставвал шу мавзудан бошласак...

— Ҳар бир инсоннинг болалигидан биринчи вазифаси ана шу боланинг бегубор дамларида уларнинг шурғига илму маърифат нуруларини синдириш. Қолаверса, уларнинг мурғак қалбини эртанги кунга — келажакка тайёрлаш.

«КЕЙИНГИ АСРНИ ЯНГИ АВЛОД БЕЛГИЛАЙДИ»

— Олайки, туманимиз мактабларидан бирида бирон ўқувчи ёки унинг сабоғини олаётган ўқувчи, дейлик бирон бир нишон совриндори ёки талловда голиб чиқса, уша кун мен учун байрамга айланади. Ана шундай қувончи воқеалар худого шукур мактабларимизда учраб туради.

— Уқувчиларимиз тез-тез республикамиз миқёсида ўтказилаётган олимпиада ва мусобақаларда қатнашмоқда. Сабаби туманимизда ўз касбининг фидойи муаллимлари кўпчилиги ташкил этилди. Уларнинг ташаббуси туфайли 1995 йилдан бунён ўқувчиларимиз вилоят ва республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Туманимиздан биригина 1997—98 ўқув йили фан олимпиадасида Ч. Валыхонов номи 4-ўрта мактабининг 11-синф ўқувчиси А. Сапарбекова «Қозоқ тили ва адабиёти» фанидан республикада фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Ниқосига етаётган 1999 йил Амир Темури номи 8-ўрта мактабининг 11-синф ўқувчиси «Француз тили» фанидан республика миқёсида фахрли 3-ўринни эгаллади.

— Бу ютуқлар албатта ўз-ўзиндан бўлмаётди. Исламийлар замирида «оппоқ қорғоздек бегубор бола қалби»га илм нуруларини синдираётган мураббийларимизнинг мизинг машаққатли меҳнати, илмга

булоқдики, туманимизда ёшларга таълим-тарбия ишлари янада яхшилашиб бораётди. Шу боисдан айни кезде туманда аксарият мактабларда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари юқори баҳоламоқда.

— Иқтидорли ўқувчиларни шакллантириш, излаш ва улар билан ишлашни такомиллаштириш учун қандай режалар ишлаб чиқилган?

— Бу ишнинг ҳали мактаб ёшига етмаган бола болалариданқо бошлаб юборганмиз. Чунки

боқчада боланинг иқтидорли томонларини тўла-тўқис шакллантиришга кўника яратиш осон кечади. Эртага у юртимиз келажигини белгилайди. Мураббийларнинг юзини еруғ, маъненни баланд қила олади. Масалан, «Ўзал» номи болалар боғчамиз мавжуд. Ҳозирданқо тарбияланувчилар бу ерда бир комплекс компьютер техникасидан фойдаланишади. Болалар ўта зукко ва билимдон бўлиб улғайишмоқда. Албатта, қилинаётган бу синга-ри ишларнинг барчаси туманимизда

иқтидорли ёшларни мактаб ёшигача кўпайтириш ва саралашдир.

— Мураббийлар малакасини ошириш, уларнинг таърибасини оммалаштиришга қандай эътибор қаратишган?

— Коллаверса, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида ҳам амалга оширилаётган ишлар, режалар мавжудми?

— Туман халқ таълими бўлимига қарашли мавжуд 23 та ўрта мактаб, 10 та болалар боғчаларида фаолият юритишаётган 1055 нафар мураббий ва тарбиячиларнинг мунтазам малакасини ошириш, уларнинг таърибасини оммалаштиришга катта эътибор берилмоқда.

— Мураббийларнинг 664 нафари олий, 363 нафари ўрта махсус ва 29 нафари туликсиз олий маълумотга эга. Шунингдек, 35 нафари олий, 291 нафари биринчи, 336 нафари иккинчи тоифали ўқувчи ва тарбиячи ходим-

лардир.

— Хуллас, туманимизда ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини бойитиш, ўқувчиларнинг билим олишларига барча шароитлар мавжуд. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг иқтисодий томондан бир мактабимизга 22 гектардан 52 гектаргача ер олишда ердан бердик. Айни кезде барча мактабларимиз банкда ўз ҳисоб-рақамига эга бўлган. Илм бошида «ҳар бир мактаб йил охиригача банкдаги ўз ҳисоб-рақамига камиди қўллаб-қувватлаш мақсадида бир миллион сўм бўлишига эришсин» деган ширимиз амалга ошиб турибди.

— Уқитувчиларимизга эндиликда дехқончиликдаги соф фойдасидан қўшимча пул, ёғ тарқатилиши режалаштирилган. Бу ишлар эрта-индин амалга оширилади. Мухими, бу билан учинчи минг йилликдаги келажимиз бунёдкорлари янада ишончли қўларда бўлади.

— Иззатулло ака, таъкидлаганингиздек XXI аср бўсағасида турибмиз. Биз умид кўзимизни тикиб турган ёш авлод эртанги кун юқини кўтара оладими? Қисқаси янги аср тафаккури ҳақида нима дея оласиз?

— Эртасини уйлаган халқ аввало болалари қалбига маърифатдан нур тўқиди. Худого шукрки бу ҳислатлар халқимизга ет эмас. Ўзи эмаса, киймаса ҳам болам дейди. Болам ўқисин, ургансин дейди. Одам бўлсин деб жонини жаборга беради. Албатта бундай халқнинг фарзандларидан кўнгилни тўқ қилиш керак. Иқовнидан фақат мактаб ва оила ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиши ёш авлод эртанги кун юқини бемалол елкасида кўтара олиши тайин.

— XXI асрда тафаккурнинг чегараси янада кенгайди. Сабаби кечаги нарсалар, фикрлар эртага тўри келмай қолмоқда. Чунки ёш авлод ана шу юксалиш оқимида!

— Мен бир маорифчи сифатида ёшларда бир сезгирликни иллаганман. Бу — аҳдодлари олдидаги бурчини тўла англаётганлиги. Ҳадеб доно болаларимиз қолдирган мерос билан мактабавермайлқ, ўзимиз ҳам болаларимизга муносиб бўлишимиз керак дейишмоқда, улар.

— Маъмури суҳбатингиз учун ташаккур!

«Қишлоқ ҳаёти» махсус муҳбири Маъмуржон ҚИЁМОВ суҳбатлашди.

ЯХШИ ХАБАРЛАР

ТУРИЗМ

РИВОЖЛАНАДИ

Яқинда Тошкентда «Ипак йўли» бўйлаб туристик сайёҳат номиди остида 5-халқаро ярмарка бўлиб ўтди. Ярмаркада 35 мамлакатнинг 150 та туристик фирмалари иштирок этди.

«Ўзэкспомарказ»да ўтказилган бу тадбирда Бухородаги «Ориентир» хусусий туристик фирмаси мутахассислари ҳам қатнашдилар.

— Бундай кенг қамровли ярмаркада илк бор иштирок этаётганимиздан қатъий назар у биз учун жуда унумли бўлди деб бемалол айта оламиз. Чунки фирмамиз қатор хориж фирмалари билан шартнома тузди. Жумладан, Индонезия, Малайзия, Таиланд ва бошқа хориж фирмаларининг туристик фирмаларининг Ўзбекистонга айнақса Бухорога қизиқишлари катта.

— Шу боис ўзаро сайёҳлик алоқалари бундан кейин янада ривожланиши шубҳасиз, — дейди ярмаркада қатнашиб қайтган «Ориентир» етакчи мутахассиси Р. Абдуллаев.

Бундан ташқари «Ориентир» мутахассислари ўзбек-болгар «Вено-Азия» фирмаси билан Бухоролик сайёҳларнинг Қора дельтас бўйидаги оромгоҳларга сайёҳатларни уюштиришга ҳам аҳдлашиб олдилар.

ЯШАРАЁТГАН ЧОРБАКР

Бухоро вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Буюк ипак йўлида жойлашган, беш асрлик тарихига эга, ўзбек халқ меъморчилигининг ботак-рот услубини ўзида муҳасамлаштира олган Чорбакр ёдгорлик мажмуини таъмирлаш ва ободонлаштириш ҳақида келажак авлодлар учун асраб қолиш мақсадида катта хайрли ишлар амалга оширилаётди. Шижоатли меҳнат ва тинимсиз изланишлар натижасида 0,5 гектар майдонни эгаллаб турган бу тарихий ёдгорлик мажмуи бинолари янгилик қад ростлаб, асл ҳолатига келтирилмоқда.

Айни пайтда 350 дан ортки қўли гул усталар таъмирлаш, ободонлаштириш, йўл ва йўлакларни қайта қуриш ишларини бажармоқда.

Халқимиз — бунёдкор халқ. Насиб этса, 2000-йилнинг Республика Мустақиллиги кўнига қадар Чорбакр меъморий мажмуининг қайта ёшариши муқаррар. Ёдгорлик аввалги ҳолатига келтирилгандан сўнг унинг атрофидидаги муҳофаза майдон 38,1 гектарни ташкил этади.

Дилмурод ЖАБОБОР



Республика ихтисослаштирилган

"ZAMIN"

давлат-акционерлик ипотека банки жамоаси

Ўз акциядорлари ва мамлакатимиз аҳолисини кириб келаяётган Янги йил билан чин юракдан муборакбод этади. "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинган 2000 йилда барчага соғлиқ-саломатлик, ишларига муваффақият тилайди.

2000 йил 9 январь куни республикамиз Президентлигига бўладиган сайловда фаол иштирок этиб, келажак буюк Ўзбекистоннинг истиқболи ва иқболи учун муносиб номзодга овоз беради.



"ЗАМИН"

давлат-акционерлик ипотека банки бошқаруви.

ГЕРМАНИЯНИНГ «БАЙЕР АГ» КОНЦЕРНИ

Мустақил Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаяётган

ЯНГИ - 2000 ЙИЛ БИЛАН

қизгин муборакбод этади!

Ўзбекистон халқига Истиқлол ютуқларини мустаҳкамлаш йўлида катта муваффақият, сиҳат-саломатлик, тинчлик, бахт-саодат тилайди!

Асос солинганига 130 йилдан ошган, жаҳоннинг 150 дан зиёд давлатида фаолият кўрсатаётган "Байер АГ" концерни Ўзбекистон Агросаноат мажмуи тармоқлари билан ўзаро ҳамкорликни йилдан-йилга кенгайтормоқда.



«БАЙЕР АГ» билан ҳамкорлик - юқори ҳосилдорлик гарови!

"ЎЗПАХТАСАНОАТСОТИШ"

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ:

Мамлакатимиз халқини, азамат пахтакорларни ва ўз акциядорларини Янги йил байрами билан чин дилдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, барча ишларига равнақ тилайди. "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинган келгуси йил республикамиз аҳолисига фаровонлик, бахт, дастурхонига тўкинлик келтирсин.

2000 йил 9 январда мамлакатимиз


Президентлигига бўлагизан сайловда сраол иштирок этиб, келажаги буюк

Ўзбекистоннинг истиқболи ва иқболи учун муносиб номзодга овоз беради.



2000 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунинда мамлакатимиз тинчлиги, осойишталиги, равнақи ва фаровонлигига ўзини бағишлаган, халқимиз севган муносиб номзодга овоз берамиз.



Мамлакатимиз меҳнаткашларини яқинлашиб келаётган

Янги йил — Соғлом авлод йили билан табриклаймиз.

Янги йилда жамоамиз эл дастурхонини янада файзли қилишда ўз улушларини қўшадилар.

Янги йил омадлар йили бўлсин!

„ФАРОВОН“ ишлаб чиқариш савдо компанияси

Бош
муҳаррир
Ўткир
РАҲМАТ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Олим АТАЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Равшан БОБОМУХАМЕДОВ (ижодий гуруҳ раҳбари), Эркул ЗИКРИЕВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Собир МУРОДОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Халиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосарлари), Маъмуржон ҚИЕМОВ (масъул котиб).

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевабазавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касса уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Телефонлар:

Бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, Масъул котиб — 136-56-26, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 133-09-93, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-25, молиявий хизмат — 136-56-30, макроиктисодиёт — 136-56-30, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-42, хатлар ва вилоят муҳбирлари билан ишлаш — 136-56-30, реклама ва эълонлар — 136-54-44.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«Кишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.